

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

155 **Бухоро — Мискин темир йўл линиясини қуриш чора-
тадбирлари тўғрисида**

Амалга оширилаётган «Навой — Конимех — Мискин темир йўл линияси қурилиши» лойиҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини ягона транспорт йўналишига бирлаштирувчи туристик йўналишларни шакллантириш асосида Хоразм минтақаси ва Хиванинг туристик салоҳиятидан амалий фойдаланиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Қурилаётган Навой — Конимех — Мискин темир йўл трассаси йўналишини Бухоро — Мискин йўналишига ўзгартирилишини назарда тутган ҳолда, «Навой — Конимех — Мискин темир йўл қурилиши» инвестиция лойиҳасини оптималлаштириш тўғрисидаги;

«Навой — Конимех — Мискин темир йўл қурилиши» лойиҳасини «Бухоро — Мискин темир йўл қурилиши» лойиҳасига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга 2017 йил 1 сентябргача Бухоро — Мискин темир йўл линияси қурилишини истисно тариқасида лойиҳалаштириш, ишчи ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан биргаликда амалга оширишга рухсат этилсин.

3. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва ваколатли экспертиза органлари билан биргаликда темир йўл қурилишининг янгиланган техник-иқтисодий асосини, трассада вужудга келадиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

155-156-моддалар

— 18 —

11 (771)-сон

«Бухоро — Мискин темир йўл қурилиши» лойиҳасини 2017 йил 1 июлга-ча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлашга киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт Жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда аввал берилган Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолатига ва кредит битимларига ўзгартиришлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навои — Конимех — Мискин темир йўли қуриш линияси лойиҳасини амалга ошириш» чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 27 июлдаги ПҚ–2376-сонли қарорига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А. Раматов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 март,
ПҚ–2827-сон